



ОИЛА ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

G'ozibekov To'liqin Habibullaevich

Maxsus kasbiy fanlar kafedrasida dotsenti, podpolkovnik

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19330615>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 21-mart 2026 yil

Ma'qullandi: 25-mart 2026 yil

Nashr qilindi: 30-mart 2026 yil

KEYWORDS

Yurtimizda amalga oshirilayotgan islohotlarning asosiy maqsadi Oilaviy munosabatlarda aёл va эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги, Оила кодекси, никоҳ, давлат органларида Фуқаролик ҳолати далолатномалари, эр-хотин, ота-она ва болалар, шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув каби фикрлар акс ettirilgan.

ABSTRACT

Ushbu maqolada Oilaviy munosabatlarda aёл va эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақида: Oilaviy munosabatlarni tartibga солиш эркак va aёлнинг ихтиёрий равишда никоҳланиб тузган иттифоқи, эр va хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши va оилавий ажралишларни oldini olishga doir aniq tavsiyalar ilgari suradi..

Оила деганимизда кўз олдимизга ота-она, фарзандлар, бобо-бувилар ва бир хонадонда яшовчи бошқа шахслар келади. Оила катта-кичик бўлиши мумкин. Масалан, ота-она, фарзандлари, келинлари ва бир нечта набиралари, ёки ота-она ва битта фарзанд бўлиши мумкин. Оила-ватан ичра кичик ватандир.

Бизнинг мамлакатимизда оила-муқаддас даргоҳ, никоҳ эса бузилмас ришта сифатида қаралади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боби оилага бағишланган. 76-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади деб таъкидланган¹. Конституция белгилаган ижтимоий тузум билан оила ўртасида узвий боғланиш мавжуд.

¹ Конституция

Халқимиз янги оила барпо бўлар экан, уни икки ёшга, яъни янги эр-хотинларга ташлаб қўймайди. Янги оилага ота – оналар, қариндошлар, маҳалла, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, “Оила” илмий-амалий маркази, шунингдек мутасадди ташкилотлар ҳам эътибор қаратади. Яъни бизнинг давлатимизда оила масаласига давлат сиёсати даражасида қаралиб келинмоқда.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ оилага катта эътибор қаратилди. 1998 йил мамлакатимизда “Оила йили” деб эълон қилинди.

Шу йили мамлакатимизда қурилаётган инсонпарвар демократик давлат вазифаларини бажаришга, умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида оилаларнинг барқарорлигини таъминлаш тизимини барпо этишга қаратилган нормаларни ўзида акс эттирган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-81-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистонда хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи асосий давлат органи Oila va хотин-qizlar davlat qo'mitasi сифатида қайта ташкил этилди,

Республика “Оила” илмий-амалий маркази ташкил қилинди. Бундан асосий мақсад жамият тараққиётида маънавий баркамол ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни муҳим эканлигини ҳисобга олиб, оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустақамлигини таъминлаш, оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муаммоларини илмий ўрганишни ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам беришни мувофиқлаштиришдан иборат.

Ғарб мамлакатларида бўлаётган нохушликларга сабаб, шу мамлакатнинг маънавий таназзулга учрагани, миллий қадриятларига эътиборсизликлари, энг ачинарлиси, оилага муносабатнинг издан чиққанидир.

Энг аввало, оилада соғлом маънавий муҳит, оила аъзоларида ўзаро ҳурмат-эҳтиром руҳини яратиш, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларимизни сақлаб қолиш, ёшларимиз онгига соғлом турмуш тарзини сингдириш асосий вазифамиз бўлиб қолиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 9 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида тадбирлар режаси тузилди. Режага асосан Боғот туман хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” илмий-амалий маркази ходимлари билан ҳамкорликда Боғот тумани Иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида “Оила аъзоларининг ҳуқуқий билимини ошириш – оила барқарорлиги омили” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда тумандаги 3 та намунали оила вакиллари иштирок этиб, оиладаги ҳаётий тажрибаларини ёшларга сўзлаб, мустақам, бахтли оила қуриш сирларидан сабоқ бердилар. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига кўра **никоҳ** бу давлат органларида (ФХДЁ — Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи) расман рўйхатдан ўтказилган оилавий муносабатдир.²

² Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 13-модда;

Кодекснинг 2-моддасида Оилавий муносабатларда аёл ва эркакнинг тенг ҳуқуқлилиги ҳақида: Оилавий муносабатларни тартибга солиш эркак ва аёлнинг ихтиёрий равишда **никоҳланиб тузган** иттифоқи, эр ва хотиннинг шахсий ҳамда мулкӣ ҳуқуқлари тенглиги, ички оилавий масалаларнинг ўзаро келишув йўли билан ҳал қилиниши, оилада болалар тарбияси, уларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, вояга етмаган ва меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устуворлиги тамойиллари асосида амалга оширилади деб қўйилган.

Қонуннинг **5-моддасида** Оила тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган муносабатлар, никоҳ тузиш, никоҳнинг тугатилиши ва уни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари ва тартибини белгилайди, **оила аъзолари:** эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинганлар) ўртасидаги, оила тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда ва доирада эса қариндошлар ҳамда ўзга шахслар ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкӣ муносабатларни тартибга солади, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилага олиш шакл ва қоидаларини, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибини белгилайди.

Айнан қонуннинг **II бўлимида никоҳ ҳақида тўлиқ нормалар берилган.**

Қонуннинг 13-моддаси. Никоҳ тузиш тартиби қуйидагича:

❖ Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади.

❖ Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

❖ Никоҳ тузиш никоҳланувчиларнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач, шахсан уларнинг иштирокида амалга оширилади.

❖ Узрли сабаблар бўлганда фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи бир ой ўтгунга қадар никоҳ тузишга рухсат бериши мумкин.

❖ Алоҳида ҳоллар (ҳомиладорлик, бола туғилиши, бир тарафнинг касаллиги ва бошқалар)да никоҳ ариза берилган куни тузилиши мумкин.

❖ Никоҳ тузиш фуқаролик ҳолати далолатномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

❖ Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи никоҳни рўйхатга олишни рад этганда, шикоят билан бевосита судга ёки бўйсунушига кўра юқори турувчи органга мурожаат қилиниши мумкин.

Қонуннинг **15-моддасида Никоҳ ёши аниқ кўрсатилган бўлиб, никоҳ ёши эркаклар ва аёллар учун ўн саккиз ёш этиб белгиланади.**

Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда (ҳомиладорлик, бола туғилиши, вояга етмаган шахснинг тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши (эмансипация), никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Оиланинг бутунлиги авволон бор фарзанд дунёга келиши билан боғлиқ эканлигини ананага айланганлиги билан бир қаторда асосан никоҳ қайд этилиши шарт.




Никоҳ қандай тузилади?

1. **Ариза бериш** — Эркак ва аёл ўз хоҳиши билан ФХДЁ органига никоҳ тузиш ҳақида ариза беради.
2. **Тиббий кўрик** — Никоҳдан аввал тиббий кўриқдан ўтиш мажбурий ҳисобланади.
3. **Муддат** — Ариза берилганидан сўнг, одатда 1 ой ичида никоҳ тузилади.
4. **Рўйхатдан ўтказиш** — ФХДЁ органи никоҳни расмийлаштиради ва никоҳ гувоҳномаси берилади.

Никоҳнинг шартлари:

- Икки томоннинг **ўзаро розилиги**;
- Томонлар **никоҳ ёшига** (Ўзбекистонда 18 ёш) етган бўлиши;
- Бир вақтда фақат **бир нафар шахс** билан никоҳда бўлиш мумкин (моногамия);
- **Яқин қариндошлар** ўртасида никоҳ тақиқланади.
- Никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар:
- лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа никоҳда турган шахслар ўртасида;
- насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида;
- лоақал биттаси руҳият бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида йўл қўйилмайди.

- Қонуний никоҳ қандай тузилади?

1.  Икки томон ўз хоҳиши билан ФХДЁ бўлимига ариза беради.
2.  Ҳужжатлар топширилади (паспорт, тиббий кўрик маълумотномаси).
3. 1 ойлик кутув муддатида қарор қайта кўриб чиқилади.
4.  Никоҳ тантанали ҳолда ФХДЁда расман рўйхатдан ўтказилади.
5. **Никоҳ гувоҳномаси (свидетельство о браке)** берилади.

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш

Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўриқдан ўтадилар. Тиббий кўриқдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Никоҳланувчи шахслар **элик ёшдан ошган бўлса**, шунингдек ушбу Кодекс 13-моддасининг **бешинчи қисмида** кўрсатилган алоҳида ҳоллар мавжуд бўлганда тиббий кўриқдан ўз розилиги билан ўтказилади.

Никоҳнинг аҳамияти:

- **Ижтимоий мақом:** Оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади;
- **Ҳуқуқий ҳимоя:** Никоҳдаги шахсларнинг ҳуқуқлари қонунан ҳимояланади;
- **Мол-мулк муносабатлари:** Эри ва хотиннинг умумий мулки ва мерос ҳуқуқлари белгиланади;
- **Болаларга нисбатан масъулият:** Тарбия, таълим ва моддий таъминотда ота-она масъул ҳисобланади.

Қонуний никоҳ эмас деб ҳисобланади:

Фақат **диний никоҳ** (имомга оқ никоҳ қилдириш), агар у расман рўйхатдан ўтказилмаган бўлса;

- Фақат **урф-одатлар асосида** қилинган никоҳ маросимлари;
- **Шартнома ёки оғзаки келишув** асосида яшаётган жуфтликлар.

☞ Шундай никоҳлар қонун олдида тан олинмайди ва аёл ёки болалар ҳуқуқий ҳимоядан маҳрум бўлади.

Хулоса

Оила — жамиятнинг юраги. Агар оилалар соғлом, тотув ва маърифатли бўлса, бутун жамият ривожланади. Оила жамиятдаги барча соҳалар (таълим, соғлиқни сақлаш, иқтисодиёт, сиёсат)нинг асосий пойдеворидир.

Ўзбекистонда мактаб ўқувчилари орасида эрта никоҳ ҳолатлари камайган бўлса-да, бу муаммо тўлиқ ҳал этилмаган. Қонунчилик, таълим ва жамоатчилик маърифати орқали бу ҳолатни янада камайтириш мумкин.

Президентимиз оила институтининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятига катта эътибор қаратмоқда. Унинг сўзлари ва амалга оширилаётган ислоҳотлар оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш, оилаларнинг фаровонлигини ошириш ва жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга қаратилган.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси-2023й;
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси;
3. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 мартдаги “Ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-110-сон қарорига;
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 21 февралдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 83-сон қарори;
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлигининг 2025 йил 28 мартдаги Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси кўшма Қарори;